O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI SIYOSIY-IJTIMOIY GAZETASI

2002 YIL 12 FEVRAL ◆ SESHANBA ◆ №19 (26.878)

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 11 февраль куни Оқсаройда Германия федерал мудофаа вазири Рудолф Шарпингни қабул қилди.***





— Биз Германияни Ўзбекистоннинг ишончли шериги, деб биламиз. Икки томонлама ҳамкорлигимиз мустаҳкам ва узоқ муддатга мўлжалланган ҳуқуқий пойдевор устига қурилган, — деди Ислом Каримов учрашувда.

Германия Ўзбекистонда амалга оширилаётган йирик лойиҳаларни замонавий технологиялар билан таъминлаб, иқтисодиётимизга сармоя киритишда фаол қатнашмоқда ва шу орқали мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўшмоқда.

11 сентябрь воқеаларидан кейин икки томонлама муносабатларда ҳарбий-техникавий ҳамкорлик алоҳида ўрин тутяпти. Бу борадаги алоқалар сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Афғонистондаги аксилтеррор операциясининг биринчи босқичи муваффақият билан якунланди. Ҳеч бир муболағасиз айтиш мумкинки, бунда аксилтеррор коалициясининг аъзоси бўлмиш Германиянинг аҳамияти ҳам катта бўлди.

Германия федерал мудофаа вазири Рудолф Шарпинг Ўзбекистоннинг жафокаш афғон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш борасидаги саъй-ҳаракатларини юқори баҳолади.

Учрашувда икки томонлама ҳамкорликни ривожлантириш, минтақавий хавфсизлик масалалари муҳокама қилинди.

■ (ЎзА)

**Суратда:** қабул пайти

**Абдувоҳид ТЎРАЕВ (ЎзА) олган сурат**

## МУДОФАА ВАЗИРЛИГИДА УЧРАШУВ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Германия федерал мудофаа вазири Рудолф Шарпинг бошчилигидаги делегация Ўзбекистон мудофаа вазири Қодир Ғуломов билан учрашди.

Музокарада икки мамлакат ўртасида мудофаа соҳасидаги алоқаларни ривожлантириш, минтақавий хавфсизлик, Афғонистонда халқаро терроризмга қарши ўтказилаётган операция билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Маълумки, икки мамлакат мудофаа вазирликлари ўртасида ҳарбий кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Ўтган йиллар давомида ўзбекистонлик элликдан зиёд офицер ГФРда таълим олди, малака оширди. Айни пайтда яна бир гуруҳ офицерлар Германияга жўнашга ҳозирлик кўрмоқда. Учрашувда томонлар бу борадаги алоқаларни янада кенгайтириш юзасидан фикр алмашди.

■ (ЎзА)

## DUNYO
VOQEALAR YANGILIKLAR XABARLAR

### ДЕҲЛИДА АБАЙ КЎЧАСИ



Кеча Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев расмий ташриф билан Ҳиндистонга жўнаб кетди. Н.Назарбоев Ҳиндистон ҳукумат раҳбарлари билан икки давлат ўртасида савдо-сотиқ ҳамда иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш юзасидан музокаралар олиб боради.

Шунингдек, Президент Деҳли кўчаларидан бирига қозоқ шоири Абай номи берилиши муносабати билан бўладиган маросимда ҳам иштирок этиши режалаштирилган.

### ҚИДИРИШ ДАВОМ ЭТАДИ

Интерполнинг террорчиликка қарши кураш департаменти раҳбари Фрэнк Спикнинг фикрича, Усама бин Лодин ва у раҳбарлик қилаётган «Ал-Қаида» ташкилотига аъзо жангарилар ҳозир Афғонистон ҳудудида эмас. Унинг айтишича, жиноятчилар антитеррористик операциялар пайтида Афғонистондан чиқиб кетишга улгурган бўлиши мумкин. Аммо улар қаерда яшириниб юрган бўлмасин, қидириш давом этади.

### ҚОРА ЙИЛ



Исроил полицияси вакили Шломо Аронишки 2001 йилни Исроил — Фаластин муносабатларидаги энг қора йил сифатида баҳолади. Чунки, ўтган йили ҳаддан зиёд кўп қўпорувчилик амалга оширилди. Маълумотларга кўра, 2001 йилда Яқин Шарқ минтақасида жами 1800 та қўпорувчилик содир этилган. Унинг юзга яқини Қуддусда юз берган ва икки юздан ортиқ яҳудий қурбон бўлган.

### САДДАМ ҲУСАЙН САММИТДА ҚАТНАШМАЙДИ

Ироқ парламенти раиси Саадун Ҳаммадий мамлакат президенти Саддам Ҳусайн араб давлатлари раҳбарларининг март ойида Байрутда бўладиган саммитида қатнашмаслигини маълум қилди. Президент хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан, яъни С.Ҳусайнга айрим ташқи кучларнинг тажовузи борган сари кучаяётгани боис шундай йўл тутилмоқда, деди у.

### КЕЛИШУВ

Афғонистон шимолидаги учта этник гуруҳ раҳбарлари Балх вилояти маъмурий маркази — Мозори Шариф шаҳри хавфсизлигини таъминлаш бўйича келишувга эришди. Унга кўра, қуролланган гуруҳлар уч кун ичида шаҳарни тарк этади ва улар ўрнини полиция кучлари эгаллайди.

## АГРАР СОҲА РАҲБАРЛАРИ ЎҚУВИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари, қишлоқ туманлари ҳокимлари ҳамда агросаноат соҳасига тааллуқли вазирлик ва идоралар раҳбарлари дастлабки гуруҳи учун ташкил этилган семинар-мунозаранинг илк босқичи якунланди.

Ўқув дастурига мувофиқ тингловчилар мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида ишлаб чиқилган қишлоқ хўжалигини тубдан ўзгартириш, чуқур иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, ишни янгича ташкил этиш бўйича дастурлар жойларда ҳаётга қандай татбиқ этилаётгани ҳамда бу борадаги ютуқ ва муаммоларни атрофлича таҳлил этди, орттирилган билим ва тажрибаларни умумлаштирди.

Дастур доирасидаги маърузаларда, асосан, давлат қурилиши ва бошқаруви жараёнларини эркинлаштириш, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш, ишлаб чиқариш унумдорлигини оширишга алоҳида эътибор берилди. Шунингдек, қишлоққа хорижий сармояларни кенгроқ жалб этиш, шартномавий муносабатларни такомиллаштириш, ер, сув ва бошқа табиий ресурслардан тежамкорлик билан фойдаланиш, илмий-техникавий хизмат кўрсатиш тизимини янада яхшилашга оид долзарб мавзулар ҳам маърузалардан кенг ўрин олди.

Тингловчилар «Тошкентсут» корхонаси, Тошкент вилояти Қибрай туманидаги «Солиҳ» фермер хўжалиги ҳамда Тошкент қишлоқ хўжалик машиналари заводи жамоалари ҳузурида бўлиб, ишни янгича ташкил этиш, ишлаб чиқаришда замонавий техника ва технологиялардан фойдаланиш тажрибаси билан танишди.

Семинарнинг биринчи босқичи машғулотларининг якунига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси И.Жўрабеков ўқув-тажриба машғулотларининг илк босқичи юксак савияда ўтгани, орттирилган билим ва тажриба тингловчиларга ижтимоий-иқтисодий муаммоларни омилкорлик билан бартараф этиш, ислоҳотлар изчиллигини таъминлаш ва қишлоқ хўжалиги, шунингдек, таълим-тарбия ишларини, айниқса, ёшларни истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашни замон талаблари асосида ташкил этишда қўл келишини таъкидлади. Тингловчилар олган билимлари бўйича тест синовларидан ўтказилди, уларга сертификат топширилди.

■ **Ўктам ДЎСТЁР,**
**ЎзА мухбири**

## СУҒОРИЛАДИГАН ЕРЛАРИМИЗ — ФАРОВОНЛИГИМИЗ МАНБАИ

**Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари давлат қўмитаси томонидан мамлакатимиздаги суғориладиган ерларнинг ҳолати ва улардан самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.**

*Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин Президентимиз Ислом Каримов раҳбарлигида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва бошқа йўналишларда кенг қамровли ислоҳотларни амалга оширишга киришилди. Хусусан, ер ресурсларидан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки, ер халқ хўжалигининг барча тармоқлари тизимида ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришда асосий восита ва манба ҳисобланади. Шу боис суғориладиган ерлар самарадорлигини ошириш аҳоли турмуш даражасини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этади.*

*Бугунги кунда мамлакатимиз Ер фондининг республика қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган қисми 25 миллион гектардан кўпроқдир. Шундан қишлоқ хўжалигида интенсив фойдаланиладиган ерлар, яъни суғориладиган майдонлар 4,28 миллион гектарга тенгдир.*

*Тупроқнинг табиий унумдорлиги, суғориладиган ерларнинг ҳосилдорлик имкониятлари ва қишлоқ хўжалигида фойдаланиш учун яроқлилиги ҳисобга олиниб, суғориладиган ерларимиз сифати жиҳатидан ўн табақага бўлинган. Улар, ўз навбатида, бешта қишлоқ хўжалик кадастр гуруҳига бирлаштирилган.*

*Туз тўпланиши ва ерларнинг шўрланиши Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро, Сирдарё вилоятларида, Қашқадарё, Сурхондарё, Навоий, Самарқанд, Фарғона вилоятларининг бир қисмида айниқса кучайган. Бу ҳолнинг олдини олиш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, тупроқ унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш ва ошириш давримизнинг энг долзарб муаммоларидан биридир.*

*Ана шуларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Ер ресурслари давлат қўмитаси томонидан мамлакатимиздаги суғориладиган ерларнинг ҳолати ва улардан самарали фойдаланиш бўйича таклиф ва тавсиялар тайёрланди. Унда 2001 йилда ерлардан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш якунлари ҳақида ҳам маълумотлар келтирилган. Ерга ишлов бериш, янги агротехнологияларни жорий этиш туфайли суғориладиган ерларнинг унумдорлигини сақлаш ва ошириш имкониятлари кўрсатилиб, уларни турли тупроқ-иқлим шароитида амалга ошириш учун аниқ тавсиялар берилган.*

*Мазкур таклиф ва тавсиялар Республика Фанлар академияси, Фан ва техника давлат қўмитаси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг илмий маркази томонидан ижобий баҳоланди.*

*Тошкентда мазкур қўлланманинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.*

*Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ҳокимларининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари, қишлоқ туманлари ҳокимлари, агросаноат соҳасига тааллуқли вазирлик ва идоралар раҳбарларининг семинар-мунозараси доирасида бўлиб ўтган мазкур тақдимот маросимида сўзга чиққанлар бугунги кунда бу қўлланма қишлоқ хўжалигидаги энг долзарб вазифалардан бири — суғориладиган ерлар унумдорлигини ошириш муаммоларини ечишда ғоят қўл келишини таъкидлади.*

*Тақдимот маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчилари И.Жўрабеков, Т.Алимов, Бош вазир ўринбосари Т.Холтоев иштирок этди.*

■ (ЎзА)

ДОЛЗАРБ МАВЗУ



# СУВ — ҲАЁТ, СУВ — НАЖОТ, СУВ...

- **Бугун мамлакатимизда сувга муносабат қандай?**
- ***Ундан фойдаланиш маданияти қай даражада?***
- **Сувни тежаш, асраш, уни софлигича сақлаш учун нима қилаяпмиз?**

Сувнинг сиру синоатлари ҳақида ўйласам, эртаклардаги «сеҳрли ойна» эсимга тушади. Жодугар кампирдан қочаётган афсонавий малика қўлидаги сеҳрли ойнани отади. Орада пайдо бўлган улкан дарё қизни ёвузлик чангалидан асраб қолади. Демак, сув — ҳимоя кўприги бўлган.

Яна бир гап: энг ибтидоий даврларда одамлар сувдаги аксларига қараб, ўзларига оро берганлар. Демак, инсон сув орқали илк бор ўзини кашф қилган!

Сув бўлмаган жойда сувнинг сурати ҳам кишига таскин ва хотиржамлик бағишлайди. Негаки сув илоҳий неъмат, инсон ҳаёти сув билан.

Ер юзининг тўртдан уч қисмини, инсон вужудининг ўртача 85 фоизини сув ташкил этади. Шу рақамларнинг ўзиёқ табиат ва инсондаги сувга бўлган эҳтиёжнинг чексизлигидан далолатдир.

Яхши яшаш учун одамга жуда кўп нарса керак. Бироқ тирикликни таъминлаб тургувчи шундай муҳим омиллар борки, уларсиз ҳаётни бир лаҳза ҳам тасаввур этиб бўлмайди. Улар: сув, ҳаво, қуёш нури. Ҳайриятки, бу неъматлар бепул ва бисёр. Уларни яратиш учун одамият заҳмат ва меҳнат сарфламаган. Бироқ бу дунёда чексиз-чегарасиз нарсанинг ўзи йўқ. Ҳамма нарсанинг меъёри, миқдори мавжуд.

Кексалар ҳамиша: «Сувни исроф қилма, болам. Сувнинг уволи тутса — ёмон тутади» дейишади. Маълумотларга кўра, ҳозирги пайтда дунё бўйича ҳар йили 3 миллиондан ортиқ аҳоли тоза сув ичмаслик оқибатида касалликка чалиниб, қурбон бўляпти. Умуман сув билан боғлиқ сабаблар туфайли касалланаётганлар сони 1,2 миллиардни ташкил этади.

Бугун мамлакатимизда сувга муносабат қандай? Ундан фойдаланиш маданияти қай даражада? Сувни тежаш, асраш, уни софлигича сақлаш учун нима қилаяпмиз? АҚШдек ривожланган мамлакатда ичимлик суви махсус идишларда сотилади. Одамлар сувни граммлаб, литрлаб сотиб олиб ичадилар. Бошқа жуда кўплаб давлатларда ҳам аҳвол шунақа. Бизда-чи? Сарфлаётган сувимизнинг ҳисобини ҳеч ўлчаб кўрганмизми? Биргина тиш ювиш жараёнида қанча сув жўмракдан беҳуда оқишини-чи?

Тошкент шаҳрида ҳар киши учун бир кеча-кундузда сарфланадиган сувнинг миқдори ўртача 370 литрни ташкил этади. Демак, пойтахт аҳолисини таъминлаш учун йилига 324 миллион куб метр сув керак. Бу сувнинг қанчаси зарурий эҳтиёжлар учун ишлатиляпти, қанчаси беҳуда исроф бўляпти? Дунёда сувга ташна юртлар озмунчами?

Қадимда араб ва Африка мамлакатларида одамлар тоғдан эриб тушган қор-ёмғир сувларини нишоб орқали олиб келиб гумбазсимон қурилган махсус сардобаларда тўплаб, келаси баҳоргача фойдаланишган. Сувнинг тозалигини асраб туриш учун эса ўзларининг қимматбаҳо тилла буюмлари ва тақинчоқларини ўша сувга солиб қўйганлар. Демак, улар сувнинг баҳосини, қадрини олтиндан баланд тутганлар.

Бир нарсага шукр қилиш керак: халқимиз сувнинг ва ернинг тилини тушунган миришкор, мироб халқ.

*(Давоми 2-бетда)*

## ОЛИМПИАДА — 2002: ХРОНИКА

### БИРИНЧИ ОЛТИН МЕДАЛЬ СОҲИБИ

Швейцариялик Симон Амманн 90 метрли трамплиндан чанғида сакраш бўйича қишки олимпиаданинг дастлабки олтин медалини қўлга киритди.

### ЯНГИ РЕКОРД

Солт-Лейк-Сити олимпиадасида янги жаҳон рекорди ўрнатилди. Германиялик Клаудиа Пехтейн конькида югуриш бўйича 3 минг метр масофани 3 мин. 57,70 сонияда босиб ўтиб, энг юқори натижага эришди.

### ШОҲСУПА

**КОНЬКИДА ЮГУРИШ** ***(аёллар) 3000 м.***
1. Клаудиа Пехтейн (Германия)
2. Ренат Греневольд (Нидерландия)
3. Синди Классен (Канада)

**ТОҒ ЧАНҒИ** ***(эркаклар) Тезликда тушиш***
1. Фриц Штробль (Австрия)
2. Ласс Кьюс (Норвегия)
3. Штефан Эберхартер (Австрия)

**ТРАМПЛИНДАН САКРАШ** ***(эркаклар)***
1. Симон Амманн (Швейцария)
2. Свен Ханнавальд (Германия)
3. Адам Малиш (Польша)

**ФИГУРАЛИ УЧИШ** ***(жуфтлик)***
1. Елена Бережная-Антон Сихарулидзе (Россия)
2. Жейми Сэйл-Давид Пеллетье (Канада)
3. Сю Шен-Хнгбо Чжао (Хитой)

Ҳамюртларимиз Наталья Пономарёва-Евгений Свиридов жуфтлиги эса 18-натижани кўрсатди.

### «НАСАФ» ОСИЁ КУБОГИНИ КЎЗЛАМОҚДА



6-10 февраль кунлари Бирлашган Араб Амирликларининг Абу-Даби шаҳрида ўтказилган Осиё чемпионлари кубоги баҳсларининг чорак финал учрашувлари мухлисларда катта қизиқиш уйғотди.

Вакилларимиз «Ал Қувайт» ва «Истиқлол»(Эрон) жамоалари билан учрашувларни бир хил —1:1 ҳисобида якунлашганди. Сўнгги ўйинни мезбонларнинг «Ал-Ваҳда» футболчиларига қарши ўтказган «насаф»чилар 2:1 ҳисобида зафар қучди. Учрашувда гарчи ҳисобни мезбонлар очишган бўлишса-да, «Ал-Ваҳда» сардори ўз дарвозасига тўп киритиб, ҳисобни тенглаштирди. Биринчи бўлим тугашига саноқли дақиқалар қолганда «Насаф» ярим ҳимоячиси Нўъмон Ҳасанов учрашув тақдирини ҳал қилган гол муаллифи бўлди. Шундай қилиб, «Истиқлол» 7, «Насаф» 5 очко билан ярим финалга йўлланма олишди.

Ярим финал баҳслари шу йилнинг апрель ойида ташкиллаштирилади. «Насаф»нинг навбатдаги босқичда қайси жамоага қарши тўп суриши 17-24 февраль кунлари Шарқий Осиё минтақасидаги гуруҳ учрашувлари поёнига етгач аниқ бўлади.

■ **Эркин ХОЛБОБОЕВ**

ИҚТИСОД ВА ИСЛОҲОТ

# СУҒУРТА ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЎЗГАРИШЛАР

## ЁКИ «СУҒУРТА ФАОЛИЯТИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИ ХУСУСИДА




Ўзбекистон Республикасида амалга оширилган иқтисодий ислоҳотлар мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ суғурта тизимини тубдан ўзгартиришни тақозо қилди. Биринчидан, суғурта соҳасида давлат монополиясининг бекор қилиниши ва мулкларнинг давлат тасарруфидан чиқарилиши натижасида бир-бирига рақобатда бўлган турли мулк шаклидаги суғурта ташкилотлари вужудга келди. Иккинчидан, инвестиция, тадбиркорлик ва ташқи иқтисодий фаолият жараёнларининг кенг кўламли фаоллашуви, ўз-ўзидан суғурта хизматларига бўлган эҳтиёжни кескин ошириб юборди. Шу туфайли, муносабатларда иштирок этувчи томонларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя этиш мақсадида 1993 йили Олий Мажлис «Суғурта тўғрисида» Қонун қабул қилган эди.

Ўтган йиллар мобайнида мазкур қонунга икки марта қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. Табиийки, бу қонун ўша пайтда мавжуд бўлган иқтисодий жараёнларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий этилган. Бошқача сўз билан айтганда, ушбу қонун суғурта муносабатлари қатнашчилари учун бироз юмшатилган ҳолатда амал қилди. Жумладан, унда суғурта ташкилотлари тугатилган тақдирда уларнинг суғурталанувчилар олдидаги мажбуриятини бажариш тартиби тўлиқ ёритилмаган. Шунингдек, бу қонунда қонунчилик талабларини бузганлик учун томонларнинг жавобгарлиги ўз аксини топмаган ҳамда давлат суғурта назорати органининг суғурта ташкилотларига нисбатан таъсир қилиш имконияти кескин чегараланган эди.

Баён этилган ҳолатлар мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг ҳозирги босқичи талабларини ҳисобга олган ҳолда, амалдаги «Суғурта тўғрисида»ги Қонунни янгилаш ва такомиллаштириш заруриятини келтириб чиқарди. Шуни эътиборга олиб, 2001 йилнинг 6-7 декабрь кунлари бўлиб ўтган иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг еттинчи сессиясида «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги янгидан ишлаб чиқилган қонун лойиҳаси депутатлар томонидан атрофлича муҳокама қилинди ва биринчи ўқишда маъқулланди. Биз ушбу қонун лойиҳаси умумхалқ муҳокамаси учун матбуотда эълон қилиниши биланоқ синчиклаб ўрганишга киришдик ва қуйидаги таклиф-мулоҳазаларни билдиришни лозим, деб топдик.

Дастлаб «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг афзаллик томонлари ҳақида икки оғиз сўз.

Маълумки, бугунги кунда суғурта соҳасини ҳуқуқий тартибга солувчи амалдаги қонун «Суғурта тўғрисида» деб аталади. Ҳолбуки, биз фикр-мулоҳаза юритмоқчи бўлган қонун лойиҳасининг номи эса «Суғурта фаолияти тўғрисида» дейилади. Бу эса ўқувчиларимизда ҳақли савол туғдириши мумкин: суғурта ва суғурта фаолияти тушунчалари ўртасида фарқ борми? Албатта, фарқ бор. Суғуртанинг моҳиятини оддий тил билан ифодалайдиган бўлсак, рўй бериши мумкин бўлган ҳар хил ҳодисалар оқибатида юридик ва жисмоний шахслар кўрадиган зарарларни суғурта ташкилоти томонидан қоплаш билан боғлиқ муносабат. Шуни эсдан чиқармаслик лозимки, суғурта ташкилоти ўз хизматини мижозларга тегишли ҳақ — суғурта бадали тўлаш эвазига кўрсатади. Суғурталовчи мижозлардан келиб тушган суғурта бадаллари мақсадли пул жамғармаларини ташкил этади ва бу жамғарма маблағлари фақат суғурта ҳодисалари туфайли кўрилган зарарларни қоплайди. Эътибор берган бўлсангиз, суғурта муносабатларида икки томон иштирок этяпти: суғурта ташкилоти (суғурталовчи) ва юридик ҳамда жисмоний шахслар (суғурталанувчилар). Энди «суғурта фаолияти» тушунчасига келсак, қонун лойиҳасида таъкидланишича, у суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг суғуртани амалга ошириши билан боғлиқ фаолиятдир. Суғурта бозорининг профессионал иштирокчилари фақатгина суғурталовчи ва суғурталанувчидан иборат эмас. Унда қайта суғурталовчилар, қайта суғурталанувчилар, суғурта брокерлари ва агентлари ҳам иштирок этади. Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, «суғурта фаолияти» тушунчаси назарий ва ҳуқуқий жиҳатдан «суғурта» тушунчасига қараганда кенгроқ мазмун касб этади. Шу нуқтаи назардан, биз янги қонун лойиҳаси «Суғурта фаолияти тўғрисида» деб аталишини қўллаб-қувватлаймиз.

Янги қонун лойиҳасининг эътиборга молик томонларидан бири, унинг 4-моддасида суғурталовчиларнинг суғуртани амалга оширишга бевосита боғлиқ бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин эмаслиги қайд этилган. Мамлакатимизда иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнлари кечаётган ва тадбиркорлик ҳаракатларига кенг йўл очилаётган бир пайтда, тадбиркорлик тизимининг муҳим бўғинларидан бўлган — суғурталовчилар учун бундай чекловнинг қонун йўли билан белгиланишига сабаб нима?

Ўтган йиллар тажрибаси шундан далолат берадики, кўпгина суғурта ташкилотлари «суғурталовчи» ниқоби остида турли тижорат операцияларини, хусусан, савдо-воситачилик ишларини амалга оширдилар. Юридик ва жисмоний шахсларни суғурта қилиш ҳисобига келиб тушган суғурта бадаллари, қоидага кўра, суғурта қопламаларини тўлашга мўлжалланган заҳира жамғармаларини ташкил этишга сарфланмасдан, балки суғурта фаолияти билан боғлиқ бўлмаган тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга сарфланган ҳолатлар ҳам бўлган. Суғуртанинг энг асосий принципларидан бири — суғурталовчиларнинг ўз зиммаларига олган мажбуриятларини бажаришни таъминлайдиган суғурта заҳираларига эга бўлишидир.

Таассуфки, баъзи суғурталовчиларимиз бундай заҳираларни шакллантирмаганликлари оқибатида мураккаб молиявий ҳолатни бошидан кечирганлиги сир эмас. Айниқса, бу кўп минг сонли суғурталанувчилар учун ноқулай вазиятни вужудга келтириши мумкин. Боз устига, амалдаги «Суғурта тўғрисида»ги Қонунда ҳам суғурталовчиларга суғурта фаолияти билан боғлиқ бўлмаган тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга ҳақли эмаслиги қайд этилмаган. Бу ачинарли ҳол, албатта. Баён этилганларни инобатга олган ҳолда, биз янги қонун лойиҳасида суғурталовчилар учун тегишли чекловлар белгиланганлигини маъқуллаймиз.

Қонун лойиҳасининг 11-моддасида суғурта ташкилотларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби аниқ кўрсатилган. Бу жиддий масала. Гап шундаки, ҳозир амалда бўлиб турган «Суғурта тўғрисида»ги қонунда, янги ташкил этилаётган суғурта ташкилотларини юридик шахс сифатида давлат рўйхатига олиш ҳақида ҳеч нарса дейилмаган. Фақат унинг 26- ва 28-моддаларида суғурта ташкилотининг давлат суғурта назоратида рўйхатга олиниши ҳақида айтилган. Бу рўйхатга олиш давлат рўйхатига олишни англатадими ёки илгари давлат рўйхатига олинган суғурталовчиларни шунчаки ҳисобга олишни англатадими? Янги ташкил этилган суғурта ташкилотларини давлат рўйхатига олиш тартибининг қонунда аниқ белгиланмаганлиги натижасида амалиётда катта қийинчиликлар юзага келганлигини кўпчилик билади.

Қонун лойиҳасининг 28-моддасида эса суғурта бозори профессионал иштирокчиларининг жавобгарлиги ўз ифодасини топган. Таъкидлаш зарурки, 1993 йилда қабул қилинган амалдаги «Суғурта тўғрисида»ги қонунда қонунчилик талаблари бузилган ҳолатларда суғурта бозори иштирокчиларига, хусусан, суғурта ташкилотларига нисбатан иқтисодий жарималар қўллаш белгиланмаганлиги суғурта тизимини давлат томонидан тартибга солишда муайян қийинчиликларни келтириб чиқарди. Шуни эътиборга олган ҳолда, муҳокама этилаётган қонун лойиҳасида суғурта фаолияти тўғрисида қонун ҳужжатларини бузганлик учун суғурта бозорининг профессионал иштирокчиларига нисбатан махсус ваколатли давлат органига иқтисодий жарималарни қўллаш ҳуқуқи берилаётганлиги ҳам диққатга молик.

Шу билан бир қаторда «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг айрим моддаларига, бизнинг назаримизда, аниқлик киритиш мақсадга мувофиқдир. Жумладан, 3-модданинг биринчи хатбошисидаги **«суғурта мукофоти»** атамаси рус тилидаги **«страховая премия»** сўзидан тўғридан-тўғри таржима қилинганлиги учун ўзбек тилида бироз ғализроқ жаранглайди. Шунинг учун, «суғурта мукофоти» атамасини «суғурта бадали» деб ўзгартиришни таклиф қиламиз. Чунки, бу атама суғурталовчи томонидан суғурта хизмати кўрсатилганлиги учун «мукофот» олишни эмас, балки бадал, ҳақ олишни англатади. Бундан ташқари, халқимизга ҳам «суғурта мукофоти» атамасига нисбатан «суғурта бадали» атамаси кўпроқ тушунарлидир. Шуни ёддан чиқармаслигимиз зарурки, қонундаги ҳар бир ибора ва атама оддий фуқаролар учун тушунарли бўлиши зарур. Гапнинг очиғи, суғуртага оид кўп атама ва ибораларни фақат тор доирадаги мутахассисларгина англашади.

Ушбу модданинг биринчи хатбошисидаги **«суғурта тўлови»** сўзини **«суғурта қопламаси (суғурта суммаси)»** деган сўзлар билан алмаштириш зарур. Нега деганда, «суғурта тўлови» сўзини бир томондан суғурталовчи, иккинчи томондан суғурталанувчи номидан ҳам ишлатиш мумкинлиги ушбу атаманинг ҳақиқий маъносини ноаниқ қилиб қўяди. Шунга мувофиқ, қонун лойиҳасининг барча моддаларидаги «суғурта тўлови» сўзини «суғурта қопламаси (суғурта суммаси)» сўзи билан алмаштириш мақсадга мувофиқ.

Фикримизча, 3-модданинг иккинчи хатбошиси қўшимча таҳрир қилишни талаб этади. Ушбу хатбошидан ва лойиҳа матнининг тегишли жойларидан **«профессионал»** деган сўзни бутунлай олиб ташлаш керак. Чунки, суғурта бозори иштирокчиси хоҳлайдими-йўқми, у профессионал иштирокчидир. Актуарий, суғурта объектларини баҳолашга ихтисослашган тадбиркорлик тузилмаси ҳам суғурта бозорининг профессионал иштирокчиси бўлиши мумкин. Шу маънода, иккинчи хатбошини лойиҳада баён этилган тарзда қабул қилиб бўлмайди. Мазкур модданинг биринчи хатбошиси мазмунидан маълумки, суғурта — бу суғурталовчи ва суғурталанувчи (юридик ва жисмоний шахс) ўртасидаги муносабат.

Шундай экан, 3-модданинг иккинчи хатбошисини «Суғурта фаолияти суғурталовчилар (қайта суғурталовчилар) ва суғурталанувчиларнинг (қайта суғурталанувчилар) ҳамда суғурта воситачиларининг суғуртани амалга ошириш билан боғлиқ фаолиятидан иборат бўлади», дея ўзгартирилгани маъқул.

Юқорида баён этилган фикр ва мулоҳазаларни мухтасар қилиб айтиш мумкинки, «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг кенг жамоатчилик томонидан атрофлича муҳокама қилиниши, шубҳасиз, ушбу лойиҳанинг янада мукаммаллашувига, пировардида эса мамлакатимизда суғурта тизимининг тараққий этишига хизмат қилади.

■ **Замир ХОЛМАҲМАДОВ, Минтақавий банк ўқув маркази бош директори, иқтисод фанлари номзоди**
**Хўжаёр ШЕННАЕВ, иқтисод фанлари номзоди, доцент**

---

ЖУРНАЛИСТ САФАРДАН ҚАЙТДИ

# АФҒОНИСТОН:

# ЖАРОҲАТЛАР, ИЗТИРОБЛАР ВА ЭРТАНГИ КУНГА ИШОНЧ

## Мухбиримиз Мозори Шариф ва Шибирғон шаҳарларида бўлди

*Ҳайратондан Мозори Шариф (Балх вилояти)гача 90 километр. Ён-атрофга қараймиз: Уруш келтирган оқибатлар шундоқ кўзга ташланади: ёниб кетган машиналар, вайрона кулбалар, абгор бўлган ҳарбий техникалар...*

*— Туғилганимдан бери тинчлик кунларини кўрмаганман, — дейди 17 ёшли ҳайдовчи Маъсуд. — Уруш ичида катта бўлдим. Қанчадан-қанча мардумларнинг бегуноҳ ўлдирилганига гувоҳман.*

*— Менинг толиблар қамоғидан қутилганимга уч ой бўлди, — дея суҳбатга қўшилади бизга йўлбошловчилик қилаётган шибирғонлик Абдусаттор. — Қандаҳорда бир йилдан кўпроқ қамоқда ётдим. Кимки толиблар сафига қўшилмаса қамашди, ўлдиришди. Рости, бугунги озод кунларни кўраман, деб ўйламагандим. Эҳ-ҳе, улар қилган ёвузликларни айтолмайман. Маҳбусларни қийнаш, азоблаш уларга завқ берарди. Омбир билан тирноқларини суғуриб олишар, кўзларига олмос тортишар ёки деворга қўйиб мошин билан келиб урар эдилар. Тутқунликдагиларнинг бари ўз ўлимини кутиб яшарди. Икки нафар ҳамқишлоқ биродаримни толиблар тириклай кўмиб ташлашди...*

*Бизга ҳамроҳлик қилиб келаётган бу йигитларнинг ҳикоялари юракларни ларзага солади, уларнинг юзкўзларида уруш қолдирган ҳадик, қўрқув, ғам-алам шундоқ кўриниб турибди.*

*Мозори Шарифга кечки пайт етиб келдик. Ҳайратонда қор оз-оз учқунлаётганди, бу ерда эса атроф оппоқ қорга беланган, қор босиб ёғарди.*

*Мозори Шариф қадимий ва катта шаҳар. Бобомиз Бобур Мирзо ўзининг «Бобурнома»сида бу шаҳар ҳақида кенг тўхталган. Шаҳарда ҳозирги пайтда 2 миллиондан кўпроқ аҳоли яшайди. Аммо толиблар пайтида халқ турли жойларга қочиб кетди. Атиги 300-400 минг нафар одам қолган.*

*Минглаб ёшлар уруш, йўқчилик туфайли умуман савод олишолмаган. Ўқиш, ёзишни билишмайди.*

*Мозори Шарифда муқаддас зиёратгоҳлар бор. Жумладан, пайғамбаримизнинг тўрт чорёрларидан бири Ҳазрат Алининг қабрлари ҳам шу жойда бўлса, Афғонистоннинг Ҳирот шаҳрида бутун дунё маънавиятининг устуни бўлган шоир Мир Алишер Навоийнинг, Кобулда эса Бобур Мирзонинг қабрлари мавжудлигини юртдошларимиз яхши билишади. Энг муҳими, бу ватанда ҳам улуғ боболаримизнинг номига чексиз эҳтиром ва ҳурмат бор.*





*Мозори Шариф шаҳрининг меҳмонхонасида уч нафар афғонистонлик ўзбек йигити билан танишдик. Улар бундан 8-9 йил бурун Туркияга ўқишга кетишган бўлиб, Саид Анвар 25, Мунир Файзи 22, Санжар Каргар 23 ёшда экан.*

*— Бугун юртга қайтдик. Толиблар даврида биз учун она юртимизга қайтиш ҳам мумкин эмас эди, — дейди улар.*

*— Тўққиз йилдирки, ота-онамни кўришга ҳам имкон бўлмади. Юртимизда кечаётган воқеаларни матбуот орқали билиб турдик, дилимиз кўп эзилди, начора қўлимиздан ҳеч нарса келмади. Шукрки, бугунги озод кунга етдик. Энди бор кучимизни шу она-юртимиз фаровонлиги учун берурмиз.*

*Мозори Шариф бозорида бир одамни кўрсатишди. Аравачада садақа сўраб ўтирган бу ногирон одамнинг икки қўли ва оёқлари йўқ эди. Исми Маҳибулло Ҳасан. Толиблар одамларнинг кўз ўнгида унинг қўллари ва оёқларини кесиб ташлашган.*

*Айби... айби толиб бўлмагани, одамларни отмагани, уларга қўшилмагани!*

*Ёки касб-кори муаллима бўлган Нафиса Башар Дўст деган аёлнинг айтганларини эшитиб, қулоқларимизга ишонгимиз келмайди.*

*— Маймана шаҳрида бир ўспиринни мактабга боргани учун, мусиқа тингламоқчи бўлгани учун ўз онасининг кўз ўнгида пичоқлашди. Сўнгра унинг онаизорини ҳам «шу болангга кўкрак бериб катта қилганинг учун», деб сийналарини тиғ билан тилдилар...*

*Бу воқеа эса 2000 йилда Маймана шаҳрига яқин қишлоқлардан бирида бўлган. 11 ёшли Сатма исмли қизалоқ паранжи ёпинишни унутиб кўчага ўйнагани чиқибди. Уни шу «гуноҳи» учун толиблар ваҳшийларча ўлдирибдилар.*

*Ким билан суҳбатлашмайлик, толибонларнинг кўз кўриб, қулоқ эшитмаган жиноятлари, жаҳолатли тузуми ҳақида алам ва изтироб билан гапиради. Бугунги озод кунларни узоқ кутишгани ҳақида айтишади.*

*Ҳозирги пайтда Жавзжон вилоятининг маркази Шибирғон шаҳрида 400 мингдан зиёд одам яшайди. Айтишларича, шу шаҳардаги қамоқхонада уч ярим мингга яқин «Ал-Қаида» гуруҳининг ва толибон ҳаракати аъзолари бўлган маҳбуслар сақланаяпти. Қамоқхона бошлиғи генерал Жўрабек Мурод ўғли билан суҳбатлашдик.*

*Шибирғон шаҳрида Афғонистон Ислом давлати мудофаа вазирининг ўринбосари, генерал Абдурашид Дўстим шундай деди:*

*— Узоқ давом этган урушлар оқибатида мамлакат хароб бўлди. Мардумлар очнаҳор қолди, юртдан чиқиб кетди. Толибонлар издан чиқарган ҳаётни изга солиш, улар келтирган кулфатларни бартараф этиш осон кечаётгани йўқ. Шуни алоҳида айтмоқчиманки, Ўзбекистон ҳукуматининг Афғонистонга бераётган кўмагидан мардумларимиз чексиз миннатдор. Дарёнинг нариги томонидаги Ўзбекистон, бу ёндаги Афғонистон ҳеч қачон бир-бирига ёмонлик истамаган.*

*Иншооллоҳ, худди Ўзбекистондагидек бизда ҳам тинчлик барқарор бўлади.*

■ **Абдурасул ЖУМАҚУЛ, «Ўзбекистон овози» мухбири**
*Термиз — Ҳайратон — Мозори Шариф — Шибирғон — Маймана — Термиз.*

---




## ЯНГИ ДАВЛАТ БАРПО ЭТМОҚЧИ...

Аргентина Президенти Эдуардо Дуалде мамлакатни иқтисодий ҳамда сиёсий инқироздан олиб чиқишнинг янги радикал-конституцион ислоҳот режасини эълон қилди.

Президент ўтиш даврига мўлжалланган молиявий ислоҳотларидан ҳеч қандай натижа кўрмагач, давлатни қайтадан қуришни, яъни мамлакат сиёсий бошқарув тизимини ислоҳ қилиш зарур, деган қарорга келди. У мамлакатни президентлик бошқарув тизимидан парламентар республикага айлантириш ғоясини илгари сурмоқда. Агар унинг бу ғоясини Конгресс тасдиқласа, 150 йилдан буён давом этиб келаётган президентлик тизимига барҳам берилади.


Президент Э. Дуалде парламентар республика қурмоқчи.

Дуалде парламентар бошқарув тизимининг кам сонли депутатлардан иборат бўладиган Европача кўринишини татбиқ этмоқчи. У ўз ғоясини телевидение орқали мурожаат билан оммага билдирар экан, ўтказиладиган ислоҳот янги давлат барпо этишнинг ягона йўли эканлигини таъкидлади.

Мамлакатда эса аҳвол янада оғирлашмоқда. Иқтисодий-молиявий инқироз тобора кучаймоқда. Халқаро валюта фондидан кутилаётган ёрдамдан ҳам умид узилди. Фонд Аргентина қарзларини тўлаш муддатини чўзиш билангина чекланди. Песонинг долларга нисбатан деволвация қилиниши ҳам кутилган натижани бермади. Намойишчилар ҳукуматнинг ҳамда Олий суднинг истеъфо беришини талаб қилишмоқда.



Мамлакатда намойишлар тобора кучайиб бормоқда

Ўз ҳисоб рақамларидаги сармояларини ололмаётган одамларнинг норозилиги, кейинчалик ҳукуматнинг бу маблағларни фақат миллий валютада берилиши ҳақидаги қароридан сўнг янада кучайди. Чунки, ўтган бир неча ой ичида песонинг инфляция даражаси 50 фоизгача кўтарилганди.

Нима бўлганда ҳам, аргентиналиклар ҳукуматдан аниқ ишланган, келажакка умид уйғотадиган ислоҳотларни кутмоқда. Дуальденинг режасига келадиган бўлсак, ҳали бу Конгресс тасдиғидан ўтганича йўқ.

## СОБИҚ ВАЗИР ТАСЛИМ БЎЛДИ

Толибон ҳукуматининг ташқи ишлар вазири вазифасини бажариб келган Вакил Аҳмад Мутаваккил ўтган ҳафта охирида Афғонистоннинг ўтиш даври ҳукуматига таслим бўлди.

Қандаҳорда туғилиб ўсган собиқ вазир охирги йилларда толибон ҳукуматининг бир қанча юқори раҳбарлик лавозимларида ишлаган. Чет мамлакатлар билан бўладиган музокараларда толибларнинг ишончли вакили сифатида иш олиб борган. Ҳатто 11 сентябрь терактидан сўнг биринчи рақамли террорчи Усама бин Лодинни АҚШга топшириш бўйича олиб борилган музокараларда ҳам шахсан қатнашган.

Хабарларга қараганда, Афғонистон муваққат ҳукумати Мутаваккилни АҚШ маъмуриятига топширган. Айни пайтда Пентагон асирни сўроқ қилишда давом этмоқда. АҚШ разведкаси собиқ вазир орқали АҚШ терактининг содир этилиши, «Ал-Қаида» гуруҳининг яшириниб юрган аъзолари ҳамда Усама бин Лодин бўйича янги маълумотлар олиш умидида.



Тўғри, жангариларнинг аксарият раҳбарлари ҳали-ҳануз яшириниб юришибди. Уларни қидириб топиш бўйича Федерал разведка бюроси барча давлатлар хавфсизлик хизматлари билан алоқа ўрнатган. Жангариларнинг кўпгина раҳбарлари асир олинган. Улар орасида толибларнинг Покистондаги собиқ элчиси Абдул Салом Зайеф, Мулла Умарнинг энг яқин ҳамфикрларидан бири, ташқи ишлар вазирлиги ходими Абдул Раҳмон Зоҳид, мудофаа вазирлигининг собиқ матбуот котиби Мутмайен, мудофаа вазири ўринбосари Возиқлар бор.

Уларнинг барчаси тез орада ҳарбий трибунал олдида қилмишларига яраша жавоб беради.

## ЯНГИ ПАРТИЯЛАР

Россияда сиёсий партиялар сони яна иккитага кўпайди. Святослав Федеров номли мустақил сиёсий ҳаракат ҳамда «Кедр» экологик жамияти ўзларининг бўлиб ўтган навбатдаги сессияларида етарлича овоз тўплаб «сиёсий партия» мақомини олишга эришди.

## ҚИРОЛИЧА ХОНАДОНИДА МУСИБАТ



Ўтган шанба куни Буюк Британия қуроличаси Елизавета IIнинг синглиси малика Маргарет оламдан ўтди.

Малика Маргарет Роуз 1930 йилнинг 21 августида туғилган, Шотландияда дунёга келган қиролича авлодининг сўнгги вакилидир.

У умрининг сўнгги йилларини Мастик оролида, яқин кишилари даврасида ўтказди. Халққа санъат жонкуяри сифатида танилди. Болаларни ҳимоя қилиш миллий қўмитасига бошчилик қилди. Малика охирги марта ўтган йилнинг ёзида, қироличанинг 101 ёшини нишонлаш маросимида омма олдига чиққан экан.

Маргарет хоним охирги пайтларда тез-тез касалликка чалинадиган бўлиб қолганди. Бундан тўрт йил муқаддам биринчи бор инсультни бошидан ўтказган. Ундан сўнг узоқ вақт оёқ оғриғидан азият чекиб юрди. Жума кунги инсульт эса... Хабарларга қараганда, Маргарет хоним жуда сокин ўлим топган. Қариндоши қирол Эдвард VIIнинг хусусий касалхонасида, эрта саҳар, уйқу пайтида жони узилган.

# SPORT

## САРВИНОЗ, ЕЛЕНА ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА БОРАДИ...



Шу йилнинг 1-10 февраль кунлари пойтахтимиздаги Республика шоҳмот-шашка саройида 16,18 ёшгача бўлган ўсмирлар ва ёшлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати ўтказилди. Баҳсларда Тошкент шаҳри, вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасидан олтмиш нафардан ортиқ умидли шоҳматчилар дона суришди.

Швейцарча тизимда ўтказилган мусобақанинг 16 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги баҳсларида чироқчилик Сарвиноз Эргашева 9 имкониятдан 8,5 очко тўплаб биринчи ўринни қўлга киритди. Пойтахтлик Вера Долженкова (7 очко) ҳамда Ольга Кузнецова (6,5)лар кейинги ўринларга муносиб топилди. Шу ёшдаги ўсмирлар ўртасида кучли учлик тошкентлик ФИДЕ устаси Антон Филиппов(8 очко), пойтахт вилояти вакили Абдуаҳад Кўчқоров (7,5), самарқандлик Павел Верешак (7)ларга насиб этди.

Кескин ва муросасиз кечган 18 ёшгача бўлган иштирокчилар ўртасидаги мусобақаларда спорт усталигига номзод янгийўллик Дамир Ҳуснитдинов, наманганлик Баҳодир Холмирзаев, самарқандлик Жўрабек Ҳамроқуловлар тўққиз имкониятдан бир хил 7,5 тадан очко жамғариб, ўзаро ўтган баҳслар натижасига кўра чемпионатни якунлашди. Шу ёшдаги қизлар ўртасида эса ўтган йилги жаҳон чемпионати қатнашчиси Елена Лёвушкина олти очко билан биринчи бўлди. Самарқандлик Шаҳноза Ҳамроқулова (5 очко) ва Тошкент вилояти вакили Гулнора Ортиқова (3)лар кейинги поғоналарни эгаллашди.

Эътиборлиси, мазкур чемпионат нафақат мамлакат чемпионларини кашф этди, балки мусобақа низомига кўра, ёшлар ва ўсмирлар ўртасида ўтадиган навбатдаги жаҳон, Осиё чемпионатларига бериладиган йўлланмалар эгаларини ҳам аниқлаб берди. Чунки, ниҳоясига етган ушбу мусобақада биринчи ўрин соҳиби бўлган қатнашчилар жаҳон, иккинчи ўринни эгаллаган шоҳмотчи эса тўғридан-тўғри Осиё чемпионатларида дона суриш ҳуқуқини қўлга киритишди.

## КИМ БИРИНЧИЛИКНИ ЭГАЛЛАЙДИ?



АҚШда давом этаётган Олимпиядада қайси мамлакат жамоаси қанча медални қўлга киритиши башорат қилинмоқда. Бу борада Германия спортчилари биринчиликни эгаллайди, деган тахмин бор. Майдон эгалари 8 та олтин, 10 кумуш, 9 та бронза билан иккинчи, Норвегия спортчилари эса 8 та олтин, 9 та кумуш, 8 та бронза медали билан учинчи бўлишлари мумкин экан. Бироқ башоратлар ўз йўлига. Ким нимага эришишини фақат вақт кўрсатади.

## ИККИ КУРАШ ҒОЛИБИ

Финляндия чанғичиси Сампа Лаюнен 15 километрга ўтказилган пойгада биринчи бўлиб, икки кураш ҳисобида Олимпия чемпиони бўлди. Иккинчи ўрин ҳам унинг ҳамюрти Яакко Таллусга насиб этди. Бронза медалини Австрия спортчиси Феликс Готтвальд қўлга киритди.

## МАРАТ САФИН ЮТҚАЗИБ ҚЎЙДИ

Россиялик моҳир теннисчи Марат Сафин Дэвис кубоги учун Россия — Швейцария жамоалари учрашувида майдонга тушиб Роджер Федерерга 5:7, 1:6, 2:6 ҳисобида имкониятни бой берди. Ваҳоланки, у дастлабки сетда бироз асабийлашса-да, ҳисобни 5:5 гача етказган эди. Навбатдаги учрашувда Е.Кафельников билан М.Кратошвиль майдонга тушадилар.

## ШЕЪР ВА ШУУР

*Қутлибека — 1980 йиллар бошида шеърият аталмиш боғда шундай ном билан очилган гул.*

*Бу гул бугунги кунда бутун гўзаллиги, тароввати, муаттар бўйлари билан адабиёт мухлисларига маълум ва таниш. Шоиранинг «Юрагимда кўрганларим», «Узун кундузлар», «Уйғониш фасли», «Озодлик» сингари китоблари шеърият ихлосмандларининг қўлида.*

*Шу кунларда унинг «Қалбимдаги тангритоғ» номли китоби босмадан чиқиш арафасида. Қуйида ушбу китобга кирган шеърлардан ҳавола этмоқдамиз.*



### ШУКРОНА

*Ўзбекча бир «оҳ» ҳам билинар,*
*Юрак жон жойидан тилинар,*
*Ўзингдан ҳимоят тиланар,*
*Сен сезгир яратдинг,*
*Худойим, минг шукур.*

*Севсам, ишқ изҳорим аниқдир,*
*Раддиям, инкорим аниқдир,*
*Тазаррум, иқрорим аниқдир,*
*Сен кескин яратдинг,*
*Худойим, минг шукур.*

*Ўкинсам, пастлар деб ўкиндим,*
*Тўкилсам, номус деб тўкилдим,*
*Юкинсам, тикларга юкиндим,*
*Сен баланд яратдинг,*
*Худойим, минг шукур.*

*Сўз айтсам, пичирлаб айтмасман,*
*Дўст тугул, ёвимни сотмасман,*
*Тиғ отсам, елкадан отмасман,*
*Ўзинг мард яратдинг,*
*Худойим, минг шукур.*

*Дардларим ичига чўкса бўлади,*
*Шу қадар тозадир, ўпса бўлади,*
*Гўдаклар бошидан тўкса бўлади,*
*Сен бекин яратдинг,*
*Худойим, минг шукур.*

*Чиройли яшайман — биламан,*
*Сўлмасман, қарсиллаб сўнарман,*
*Ўлсам ҳам бир гўзал ўларман,*
*Ўзинг чин яратдинг,*
*Худойим, минг шукур.*

### КЎЗИМ ЧЎҒЛАРИН КЎРАЙ...

*Узоқми-яқиндан бизни қўлланглар,*
*Энг чуқур илдиздан кўкаргансан, денг.*
*Шохингда оғочхўр қуртларни эмас,*
*Яшил қушчаларни кўтаргансан, денг.*

*Саҳросан — ўлкамсан, чексизсан, денглар,*
*Оҳулар — синглингдир, йўлбарслар — оғанг.*
*Бўрон қушга бешик денгизсан, денглар,*
*Тангри тоғларидан белгиланар соғонг.*

*Қўрқоқ сўзларининг тилини кесган —*
*Дунёда энг ботир сўзликсан, денглар.*
*Достонсан — бағрида Алпомиш ўсган,*
*Ойбарчин сингари қизликсан, денглар.*

*Ёви ҳам муҳаббат билан қараган —*
*Хиёнат кўрмаган хонликсан, денглар.*
*Набилар сўраган, қуёш қўраган,*
*Шавкатли, давлатли, шонликсан, денглар.*

*Совуган суякда ўт ёндиринглар,*
*Кўзим чўғларини кўрайин ўзим.*
*Ўзимга ўзимни ишонтиринглар,*
*Ўзимга суяниб турайин ўзим.*

*Ростдами, ёлғондан бизни қўлланглар,*
*Ахир ким бегуноҳ, ким ҳам беиллат...*
*Лекин ўзин севиб, қадрламаса*
*Озод яшолмайди бирорта миллат...*

■ **ҚУТЛИБЕКА**



АСРЛАР ОША...

## ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИ

# ТАФАККУР ЁЛҚИНИ



Миллатни маънавият уйғотади, деган ибора бор. Дарҳақиқат, моддийлашиб бораётган дунёда миллату элатларнинг онгу шуурини тебратадиган, фикрини чархлайдиган муайян бир воситалар мунтазам ҳаракатда бўлиши эҳтиёж самарасидир.

Ана шундай маънавий воситалардан бири — ўзбек зиёлиларининг севимли журнали «Тафаккур»нинг жорий йилдаги илк сони ўқувчилар қўлига тегди.

Журнал муқовасини очамиз. Биринчи бетда — «Бош муҳаррир саҳифаси» рукни остида берилган «Инсон ўзинг...» сарлавҳали публицистика диққатни тортади.

Одамзотнинг табиатида қачон инқилоб зуҳур этади? Қачон инсон асл инсоний моҳияти сари юз буради? Ёвузлигу бедодлик иллатлари қачон барҳам топади? АҚШда юз берган мудҳиш воқеалардан дунё афкор оммасига қай тарзда сабоқ чиқарди? Мақоланинг диққат марказига шу сингари саволлар қўйилган.

Муаллиф мақолани қуйидаги фикрлар билан мухтасар этади:

«Инсоният бошига хавф солиб турган бу бало бугун-эрта даф этилар, дунё енгил тин олиб, осойишталик измига қайтар, лекин кўнгилни барибир ўша «лаънати саволлар» тинч қўймаслиги муқаррар: қачон одамзотнинг кўзи очилар экан, қачон бу бебақо дунёда одамдек яшаб ўтиш саодатини тугал англаб етар экан у?..»

Худди шу мавзуда ёзилган навбатдаги мақола — «Барчага дахлдор ҳақиқат» деб номланади. Унинг муаллифи Абдураҳим Эркаев жаҳонда юз берган урушлар, низолар, террорчилик ҳаракатлари ва бир қанча сиёсий ўйинлар хусусида фикр билдирар экан, жумладан, шундай дейди:

«Ўтмишда қаердаки сиёсий ва синфий кураш авж олса, ўша ерда бу курашнинг ўта ноқонуний, ғирром усулларидан бири бўлмиш террорчиликнинг турли кўринишлари ҳам кенг тарқалган. Хусусан, сиёсий арбоблар ҳаётига суиқасд қилиш террорчиликнинг илк шаклларидан бири ҳисобланади».

Саидмурод Мамашокировнинг «Экологик барқарорлик омиллари» номли мақоласида инсон ва табиат муносабатларидаги кескин ўзгаришлар кейинги икки аср давомида фан ва техника ютуқларининг ишлаб чиқаришда, маиший ҳаётда кенг татбиқ этилиши, инсоннинг табиат устидан ҳукмронлиги жадаллашгани билан боғлиқлиги хусусидаги фикрлар ўртага ташланган. «Табиий муҳит ва инсон ўртасидаги ўзаро таъсирни таҳлил қилиш учун аввало инсоннинг моҳияти ва ўрнини аниқлаб олиш даркор», дейди муаллиф пировардида.

Шунингдек, журналда Абдуқодир Ҳайитметовнинг ёшлик таассуротларини хотирлаб ёзган «Ваъзхонлик кунларим» номли ҳикояси ўқувчиларга ўзгача кайфият бахш этади. Дилни равшан этади ва беғуборлик олами сари чорлайди кишини.

Сўзнинг қудрати нима? Ҳақиқий шеър қандай бўлади? Шу маънода шеърият ихлосмандларига «Юрак тилга кирди» саҳифасида берилган хоразмлик шоир Матназар Абдулҳаким ва шоира Хосият Рустамованинг шеърларини ўқишни тавсия этган бўлар эдик.

Абдулла Аъзамнинг «Мажнун муҳаббати» номли мақоласида улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг «Лайли ва Мажнун» достони хусусида мушоҳада юритилган бўлса, Наим Каримов ва Нурбой Абдураҳимовларнинг «Ёркент асири» ва «Ватан иштиёқин тортарам» номли мақолалари мумтоз адабиётимизнинг етук намояндаларидан бири Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқатнинг ҳаёти, ватан айрилиғида кечган кечмиши, ижоди ва умуман мураккаб тақдирига бағишланган.

Шунингдек, журнал саҳифаларида «Мозий дурдоналари», «Маданият илдизлари», «Мирзаларнинг бошлари», «Сиёсий билим самараси», «Саёҳатда битилган тарих» ва бошқа бир қанча мақолалар билан танишиш мумкин.

Бундан ташқари таниқли немис ёзувчиси Ханс Иоахим Шедлихнинг масалчи Эзопнинг ҳаёти ва ўлими ҳақида ёзган «Унга забон ато эт» номли асари журналхонлар эътиборига ҳавола этилган.

■ **Илҳом КАРОМОВ**


## РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

**2001 ЙИЛ 15, 29 МАРТ КУНЛАРИ КИМОШДИ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ.**

**Савдога қуйидагилар қўйилади:**

«Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмасига қарашли «BIRINCHI AVTOKORXONASI» очиқ турдаги акциядорлик жамиятининг 1990 йилда ишлаб чиқарилган, давлат белгиси 10АЕ030 бўлган, «ГАЗ-2411» русумли автотранспорт воситаси. **Бошланғич нархи — 579 204 сўм.**

Якка тартибда уй-жой қурувчилар учун мўлжалланган, Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, Сирғали-14 «Б» мавзесида жойлашган, сатҳи 400 кв.м., **бошланғич нархи — 404000 сўм** ҳамда сатҳи 155 кв.м., **бошланғич нархи — 157000 сўм бўлган ер майдонлари.**

***Савдолар соат 10.00 да бошланади.***

**Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 69-уй. Метронинг «Алишер Навоий» бекати. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78.**

## РКМБ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

**2001 йил натижалари**

❖ РКМБ Тошкент шаҳар филиалида 137 та савдо бўлиб ўтди. Шундан 17 таси кимошди, 120 таси биржа савдоларидир.

❖ Ташкил этилган савдоларда 433 та объект 1 156 846, 2 минг сўмга сотилди.

**2002 йил январь ойи натижалари**

❖ РКМБ Тошкент шаҳар филиалида 8 та биржа савдолари бўлиб ўтди.

❖ Ташкил этилган савдоларда 18 та объект 81,9 минг сўмга сотилди.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур туман ҳокимияти томонидан хусусий тадбиркор Авазов Каримберди Худойберганович номига берилган думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

«Ўзавтойўл» давлат акциядорлик концерни маъмурияти концерн бош муҳандиси Муса Жўраевга рафиқаси **МЕРОЖХОН ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

# «ЭСКИ ЖЎВА УНИВЕРСАЛ БОЗОРИ»

## очиқ акциядорлик жамияти

**2002 йил 14 март куни 2001 йил якунлари бўйича акциядорларнинг навбатдаги умумий йиллик мажлиси ўтказилишини маълум қилади.**

**КУН ТАРТИБИ:**

**1. «Эски Жўва универсал бозори» ОАЖнинг 2001 йил якуни бўйича иш фаолияти юзасидан жамият бошқаруви раисининг ҳисоботи.**

**2. Жамиятнинг 2001 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Аудиторлик хулосасини тасдиқлаш.**

**3. Жамиятнинг 2001 йил якуни бўйича молиявий ва хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлаш.**

**4. Жамиятнинг 2001 йил молиявий-хўжалик ҳисоботи якуни бўйича йиллик балансни тасдиқлаш, даромадларни тақсимлаш ва дивидендлар миқдори ҳамда уни бериш тартибини тасдиқлаш.**

**5. Жамиятнинг 2002 йилга мўлжалланган даромадлар ва харажатлар сметасини тасдиқлаш.**

**6. Жамиятнинг 2002 йил фаолияти учун жамият Аудиторини тасдиқлаш.**

**7. Жамият Тафтиш комиссияси таркибига ўзгартириш киритиш.**

**8. Жамият Кузатув Кенгаши аъзоларига ҳақ тўлаш ҳақидаги Низомни тасдиқлаш.**

**Акциядорларнинг умумий мажлиси бозор ҳудудида жойлашган «Манзур» ЖК биносида соат 11.00 да бошланади.**

**Акциядорларни рўйхатга олиш соат 10.00 дан бошлаб амалга оширилади.**

**Бизнинг манзил: Шайхонтоҳур тумани, Бозорлар майдони, 28-уй.**

**Умумий мажлисда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2002 йил 12 февраль ҳолати билан ёпилади.**

**ЖАМИЯТ КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

### «Эски Жўва универсал бозори» очиқ акциядорлик жамиятининг 2001 йилги баланси (минг сўм)

| Кўрсаткичлар номи | Сатр коди | Ҳисобот йили бошига | Ҳисобот даври охирига |
|---|---|---|---|
| **АКТИВ** | | | |
| *1. Узоқ муддатли активлар* | | | |
| Асосий воситалар: | | | |
| бошланғич (қайта тиклаш) қиймат (01, 03) | 010 | 343180,8 | 347581,7 |
| эскириш (02) | 011 | 46464,3 | 55322,5 |
| қолдиқ қиймати (010-011) | 012 | 296716,5 | 292259,2 |
| Номоддий активлар: | | | |
| капитал қўйилмалар (07, 08) | 030 | 167703,8 | 789089,3 |
| Шўъба корхоналаридаги акциялар (06) | 040 | | 19200 |
| Бошқа қарзлар (06) | 090 | 567,2 | 185,8 |
| I-бўлим бўйича жами | 110 | 464987,5 | 1100734,3 |
| *II. Оборот активлари* | | | |
| Ишлаб чиқариш захиралари (10, 11, 12-13, 15, 16) | 120 | 12538,6 | 60756,8 |
| Олиб сотиладиган товарлар (41-42) | 150 | 21160,8 | 10454,1 |
| Келгуси давр сарфлари (31) | 160 | | 2321,8 |
| Пул маблағлари (51, 55, 56, 57) | 170 | 20861,4 | 8137 |
| Дебиторлар | | - | - |
| харидор ва буюртмачилар билан ҳисоблашишлар (09, 45, 62-82) | 220 | 5887 | 102378 |
| ходимлар билан ҳисоблашишлар (73) | 250 | 32,2 | 81,1 |
| бошқа дебиторлар (63, 71, 76) | 290 | 418,2 | 11079,5 |
| II-бўлим бўйича жами | 300 | 60898,2 | 195208,3 |
| Баланснинг активи бўйича жами | 310 | 525885,7 | 1295942,6 |

| Кўрсаткичлар номи | Сатр коди | Ҳисобот йили бошига | Ҳисобот даври охирига |
|---|---|---|---|
| **ПАССИВ** | | | |
| *1. Ўзлик маблағларнинг манбалари* | | | |
| Устав капитали (85/1) | 320 | 324850 | 65189 |
| Қўшилган капитал (85/2) | 330 | | 277611 |
| Резерв капитали (85/3) | 340 | 52405,2 | 51087,2 |
| Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар) (87) | 350 | 20631,5 | 30429,9 |
| Мақсадли тушум ва фондлар (96, 88) | 360 | 80000 | 373980 |
| Келгуси давр сарфлари ва тўловлари учун резервлар (89) | 370 | | 3901,8 |
| I-бўлим бўйича жами | 390 | 477836,7 | 802198,9 |
| *II. Мажбуриятлар* | | | |
| Қисқа муддатли кредитлар (90) | 430 | - | 448936 |
| Кредиторлар: | | - | |
| бюджет бўйича қарзлар (68) | 460 | 7386,1 | 7110,4 |
| меҳнатга ҳақ тўлаш бўйича қарзлар (70/1, 70/2) | 470 | 1471,5 | 1477,4 |
| ижтимоий суғурта ва таъминот бўйича қарзлар (69) | 480 | 376 | 733,1 |
| бюджетдан ташқари тўловлар бўйича қарзлар (67) | 500 | 11,8 | 25,1 |
| шўъба корхоналарига қарзлар (78) | 510 | 904,1 | 606 |
| бошқа кредиторлар (75/1, 71/2, 73, 76/1, 79) | 530 | 37899,5 | 34855,7 |
| II-бўлим бўйича жами | 540 | 48049 | 493743,7 |
| Балансининг пассиви бўйича жами | 550 | 525885,7 | 1295942,6 |

| Кўрсаткичлар | Сатр рақами | Ўтган йилнинг шу даврида | | Ҳисобот даврида | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | даромадлар | харажатлар | даромадлар | харажатлар |
| Маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан тушган тушум | 010 | 234759,2 | - | 309710 | - |
| Сотишдан олинган соф тушум 010-020-030-040 | 050 | 234759,2 | - | 309710 | - |
| Сотилган маҳсулот, иш ва хизматларнинг ишлаб чиқариш таннархи | 060 | - | 53447,8 | _ | 43971,2 |
| Сотишдан тушган ялпи молиявий натижа 050-060 | 070 | 181311,4 | | 265738,8 | |
| Сотиш харажатлари | 080 | - | 6449,4 | - | 5317 |
| Маъмурий харажатлар | 090 | - | 64846,4 | - | 84399,9 |
| Асосий ишлаб чиқариш фаолиятнинг молиявий натижаси (фойда ёки зарар) | 110 | 110015,6 | | 176021,9 | |
| Бошқа олинган дивидендлар | 125 | 2523,6 | - | 2873,4 | - |
| Молиявий фаолият бўйича бошқа даромад ва харажатлари | 145 | 6185,6 | | 19859,8 | |
| Умумхўжалик фаолиятининг молиявий натижаси | 150 | 118724,8 | | 198755,1 | |
| Солиқ тўлангунга қадар умумий молиявий натижа | 170 | 118724,8 | | 198755,1 | |
| Фойда (даромад)дан солиқ | 180 | - | 98093,3 | - | 154818,1 |
| Ҳисобот давридаги соф фойда (зарар) | 200 | 20631,5 | | 43937 | |

**Жамият йиллик баланси «Осиё Аудит» аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланган.**



BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI

Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Baxtiyor HAMIDOV
(Mas'ul kotib)
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV
Mahkamboy O'MAR o'g'li

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BOLIMLAR:

Siyosat va huquq — 133-44-55
Iqtisodiyot — 133-76-04
Ma'naviyat — 133-07-20
Xatlar va ommaviy ishlar — 133-12-56,
Axborot — 136-55-16
Kotibiyat — 133-72-83
Reklama va e'lonlar — 133-38-55, 133-47-80
Faks — 133-73-43, 133-06-83

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan.

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 136-53-16
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Qarshida — 4-61-35
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:

700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KOCHASI, 32-UY.

Navbatchi
Matnazar ELMURODOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi» ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi
Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A—2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 3102

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.30
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA